



Ислом Нури

Бисмиллахи рохмани рохим

«...Касамки, агар сизлар (Менинг берган неъматларимга) шукр килсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда килурман...».

(Иброхим: 7)

Бандаларига беҳисоб неъматлар это этиб, улардан шукр килгувчиларга неъматини янада зиёда этишни ваъда килган Буюк Парвардигоримизга хамду санолар айтиб, берган неъматлари учун У Зотга кўпдан-кўп шукрлар бажо келтирамиз хамда У Буюк Зотнинг неъматларига шукрни кўп ибодат килиш билан адо этган Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафога ва ахли байт, сахобалари хамда тобийнларга дурудун салавотлар айтамыз.

Кейин...

Шукр ўзи нима?

Шукрнинг лугавий маъноси:

— “Килинган яхшилиқни эътироф этиб, уни овоза килмок”. (Ал-Комусулмухит).

— “Килинган яхшилиқни эътироф этиб, яхшилиқ килгувчига хамду санолар айтиш, ташаккурлар килиш, миннатдорлик билдириш. Маслан: “Фалончи Аллохга, Унинг неъматларига шукр килди дейилади яъни, Унинг берган неъматларини эътироф этиб, Унга хамду санолар айтди, шукроналар билдирди”. (Ал-Мунжид филлуга)

Муктадо уламоларимиздан Ибн ал-Каййим раматуллохи алайх



Ислом Нури

шукрнинг хакикати баён килиб, шундай дейдилар:

«Хайвон ем еб семирса, унинг танасида емнинг асари зоҳир бўлса, араблар: “Шакарат доббату”, — дейишади. Ибн ал-Каййим сўзларини давом этказиб айтадилар: “Шунга кўра, банданинг тилида Аллох таолога хамду сано ва зикрлар ила, калбида Унга бўлган мухаббат ила, аъзоларида У Зотга тоъат-ибодат килиш билан У Буюк Зотнинг хисобсиз неъматларининг асари зоҳир бўлмоклиги керак!”».
(Уддатуссобирин, Мадорижуссоликин)

Шукрнинг амалий сурати:

Аллох таоло айтади: «...(Эй) **Довуд хонадони**, (Аллох сизларга ато этган бу неъматларнинг) **шукронаси учун амал-ибодат килинглари!...**» (Сабаъ сураси: 13)

Аллох таоло ушбу ояти каримада Довуд алайхиссалом хонадонларига Ўзи ато этган неъматларини миннат қилганидан сўнг, “Эй Довуд хонадони бу неъматлар учун шукр айтинглари”, демади, балки, “бу неъматларнинг шукронаси учун амал-ибодат килинглари”, деб амр этди. Бу эса, қачонки, Аллох таолонинг амру-фармойишлари бажарилиб, қайтариқларидан қайтилса хақиқий-қомил шукр вужудга келишига далолат қилади. Аммо, намоз сўнгида ёки, таомланиб тўйгандан кейин қуруқ тил билан Аллохга шукр демокликнинг ўзи шукрни адо этиш учун қифоя қилмайди ва бундай шукр қилишни асло, қомил-хақиқий шукр деб ҳисоблаб ҳам бўлмайди.

Росуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг хақиқий - қомил шукр қандай бўлишини амалда қилиб қўрсатганлари

Уммулмуъминин Оиша розияллоху анҳо росуллох соллаллоху алайхи



Ислом Нури

ва салламнинг тунлари (нафл) намозда узок койим бўлганларидан икки кадамлари ёрилиб кетганлигини кўриб, у зотнинг ибодатдаги бу қадар жидду жахдларидан ажабланиб: “Шундай киласизми (яъни, ибодатни шу даражада каттик киласизми)? Вахоланки, Аллох таоло сизнинг аввалин ва охирин гунохларингизни кечирган бўлса?”, деб сўраганларида: “Аллохга кўп шукр килгувчи банда бўлмайинми?”, деб, жавоб берган эдилар.

Пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг ушбу жавобларидан маълум бўладики, у зот: “шукр килмокни курук тил билан хамду сано айтишнинг ўзигина деб билмай, балки у неъмат ато этувчи Аллох субханахуни рози килувчи амалларни бажариш билан рўёбга чикади”, деб тушунганлар ва асхобларига хам шундай тушунтирганлар.

• **«Ва аммо, Парвардигорингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини хакида (кишиларга доимо) сўзланг!»** (Ваддуха: 11)

Ушбу ояти каримадаги неъматлар хакида сўзлашдан мақсад: “Аллох таоло менга фалон-фалон неъматларни это этди деб, У Буюк Зотнинг инъом этган неъматларини ёдга олиб, у хакида кишиларга хабар бериш”, бу бир маъно. Яна бир маъно: “Бу амр уч нарсани: Аллох таоло тарафига даъват, рисолатни етказиш ва умматга таълим беришни ўз ичига олади”. Ушбу икки маъно хам мақсадга мувофиқ келади. (Мадорижуссоликийнинг сайланмаси).

Демак, юкоридаги сўзлардан маълум бўладики: “Инсон адашиб, жохил бўлиб юрган кунларини эслаб, Аллох таоло уни жахолат, гунох коронгиликларидан иймон ва ибодат нурига чиқарганлигини эслаб, ушбу неъмат хакида сўзламоғи лозим”. Бинобарин, хазрати Умар



Ислом Нури

розияллоху анху жоҳилийят даврида ўз кўллари билан хурмодан ясаган бутларини еганини эслаб ва жаҳолат инсониятни шу қадар тубанлаштирганини ўйлаб, ўша даврдаги бу каби нодонликлардан ажабланиб кулардилар. Шунингдек мусулмон кишига: “Аллох таоло уни бой қилиб қўйса, камбағаллик кунларини эслаб, бошидан кечирган машаққатларни унутмай, Аллох таоло бундай фақирлик ва кийинчиликлардан сўнг, унга ато этган неъматларини эслаб, ўзгаларга ушбу неъматлар хакида сўзламоғи ва мана шу йўл орқали одамларни Аллох таолонинг динига даъват этмоғи” лозим бўлади.

Ом ва хос шукр

Юқоридаги сўзларимиздан шукрнинг икки хил ом ва хос эканлиги маълум бўлади. Бу дунёнинг ишларига; кийим, таом, мол, тансихатлик, маркаб ва шулар каби бу дунёга тааллуқли неъматларга шукр қилмоқлик шукр оmdir. Хос шукр эса, иймон, тавҳид, хидоят ва ибодатга муваффақ бўлиш ҳамда солиха аёл, солих фарзандларга эришиш ва шулар каби охиратга тааллуқли бўлган неъматларга шукр қилмоқдир. Афсуски, бугунги кунимизда кўп кишилар шукрнинг омини адо этиб, хос шукрдан кўп вақт гафлатда қоладилар. Аллох таоло хаммаларимизни шукрнинг иккала турини тўла-тўқис адо этмокка муваффақ айласин!

Шукрнинг асослари

Бу ўринда Имом Ибн ал-Каййимнинг сўзларини мухтасар суратда келтирамиз. У зот раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар:

Банданинг шукр қилиши уч асосга биноан бўлмоғи шарт. Яъни, банда мана шу уч асосга кўра шукр қилсагина шукр қилувчилардан



Ислом Нури

хисобланади.

Биринчи: “Бандага ато этилган неъмат Аллох таоло тарафидан эканини эътироф этмоги”. Буюк Зот неъматларини эътироф этиш ушбу неъматларни биз ўз кучимиз, акли идрокимиз билан топдик деб даъво килмай, ушбу неъматларни бизга Аллох таоло ўз мархамати билан ато этди деб эътикод килмогимиздир. Акс холда, Аллох таоло Корунни ховлиси билан биргаликда ерга юткизиб юборгани каби бизларни ҳам ерга юткизиб юбормогидан кўркмогимиз керак!

Иккинчи: “Банда мана шу неъматларни ато этувчи Аллох таолога хамду санолар айтмоки”. Банда неъмат ато этувчи зот Аллох таоло эканлигини тан олсагина унга хамду-санолар айтишга муваффақ бўлади.

Учинчи: “Банда ушбу неъматлардан Аллох таолонинг розилиги йўлидагина фойдаланмоги”. Ушбу неъматларни Аллох таоло тарафидан эканлигини эътироф этиб, унга хамду-санолар айтаётган бандагина, ушбу неъматлардан Унинг розилиги йўлида фойдалана олади.

Демак, қачонки биз ўз шукримизни мана шу уч асосга кўра амалга оширсак албатта Аллох таоло бизларга ўз неъматларини зиёда килиб беради. Аллох таоло айтади: «...**Касамки, агар сизлар (Менинг берган неъматларимга) шукр килсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда килурман...**» (Иброхим сураси: 7)

Хулоса

Аллох таоло Одам алайхиссаломни яратгач, фаришталарни унга сажда килмокка буюрди. Хамма фаришталар сажда килдилар. Факат асли



Ислом Нури

жинлардан бўлган, фаришталар макомига етган Иблис-Шайтонгина кибр килиб Одам алайхиссаломга сажда килишга унамади. У Аллох таолонинг буйругига итоат килмагани сабабли дўзахга махкум этилиб, лаънатланиб, эришган олий макомидан махрум этилиб кувгин килинди. Шунда у, Одам алайхиссалом сабабли мана шу хорликка дучор бўлдим деб, Одам ва унинг зурриётларига нисбатан ўз адоватини эълон килди ва уларни хам дўзахга гирифтор килиш учун то киёмат кунигача жидду жахд килмогани баён кила туриб кўпчилик инсонлар гафлатда юрган бир хакикатни билдириб кўйди. У хакикат нима эканини Аллох таолонинг ушбу сўзидан билиб оламиз. Аллох таоло деди: **«У айтди: "Касамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг Тўгри Йўлинг устида уларни (Одам болаларини) кутиб ўтираман. Сўнгра уларга олдларидан ва ортларидан, ўнгу сўлларидан келиб (Тўгри Йўлдан оздирурман) ва (окибатда) уларнинг кўпларини (берган неъматларингга) шукр килган холларида топмайсан"»**. (Аъроф: 16, 17)

Мана азиз биродар ушбу оятларнинг маъносида яхшироқ фикр юргизадиган бўлсак, Иблис кўпчилигимиз эътиборга олмаган бир хакикат Аллох таолонинг берган неъматларига шукр килмаслик унинг тузогига гирифтор килиб, у билан биргаликда дўзахга кириш учун сабаб эканлигини баралла баён килганлигини кўрамиз.

Хурматли ўқувчи бугунги мусохабамизга яқун ясар эканмиз, юкорида айтиб ўтган сўзларимизнинг хулосаси ўларок, Аллох таоло бизларга ато этган иймон, хидоят, ибодат ва шу каби ухровий неъматлар хамда сихат-саломатлик, таом, либос, уй-жой, маркаб ва шу каби дунёвий неъматларнинг хам шукрини адо этадиган бўлсак, Аллох таоло Ўзи ваъда берганидек албатта, ушбу неъматларини янада зиёда килади,



деб эътикод килмогимиз лозим эканлигини эслатиб, холис насихат килиб кўймокчимиз. Чунки, дин насихатдир. Аллох таоло хаммаларимизни Ўзининг неъматларини таниб, унинг шукрини адо этишга муваффақ айлашини тилаб қоламиз.